

51 (997)-сон

22 — 28 декабрь 2010 йил

Web-site: oilavajamiyat.uz

## МЕХР ҚОЛУР, ОҚИБАТ ҚОЛУР



## ИШЛАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

## КОЛБАСА: ФОЙДАЛИМИ ЁКИ ЗАРАРЛИ?



## ЎЗБЕКОНА АСАЛ ОЙИ

## БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН



### «ЯНГИ ҲАЁТ»ДА ЯНГИ УЙЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августда қабул қилинган «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламани кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ҳаётга кенг татбиқ этиш мақсадида Хоразм вилоятида ҳам қатор хайрли ишлар амалга оширилаётир.

— 2009 йили «Янги ҳаёт» маҳалласида 20 та намунали уйлар қурилган бўлса, жорий йилда 52 та ана шундай турар-жойлар бунёд этилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Богот тумани ҳокимининг

биринчи ўринбосари Хушнуд Пирназаров.

Янги йил байрами арафасида Зафар Якубовлар оиласи барча қулайликларга эга бўлган намунали уй-жойга эга бўлишди. Хонадон бекаси Муҳаббат Сапаеванинг таъкидлашича, янги маҳаллада савдо маркази, халқ банки филиали, мини маркет, мактаб биноси барпо этилгани ҳар томонлама қулайлик туғдирмоқда.

СУРАТЛАРДА: Зафар Якубовлар оиласи ва намунали турар-жойлар кўриниши ўз аксини топган.

Шавкат СУЛТОНОВ олган суратлар.  
Хоразм вилояти.



## “ОБУНА — 2011”

“Оила ва жамият”ни ўз оиласининг яна бир ҳақиқий аззоси сифатида қадрлаб, биз билан ҳамфикр, дард-каш бўлиб келаётган муҳтарам муштарийлар!  
Шу йилнинг 1 сентябридан келгуси йил учун ОБУНА бошланганини эшитдингизми?

**ИНДЕКС:** Якка обуначиларга — 176,  
Ташкилотларга — 177



Мехриддин РАҲМАТОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

— Кўпчилигимиз турли ташвишларни баҳона қилиб, ёнгинамизда ўзлигини намоён этмок умидида юрган ҳақиқий, истеъдодли актёрлар ижодини кузатмаймиз, кўрсак-да, баъзан эътироф этмокдан тийиламиз. Лекин санъат ахли ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бирини қадрлаб, соғлом рақобат муҳитида ёниб, жўшиб ишлаши керак.

Тошкент шаҳридаги SOS болалар маҳалласи ҳақида ҳам эшитгансиз. Қолаверса, аввал бошда айримлар бизга шундай жой керакми ўзи, деган қарашда ҳам бўлишгани рост. Ахир тўғри-да, давлатимиз томонидан отанасиз ёки боқувчисини йўқотган болалар учун беқиёс ғамхўрликлар кўрсатилса, қолаверса, бизда ўзбекичилик, маҳалла-қўй, қариндошлик масъулияти билан боғлиқ ажойиб қадриятлар бўлса... Аммо...

— Бизнинг асосий вазифамиз, — дейди SOS маҳаллалари ассоциациясининг ижтимоий ҳуқуқий масалалар бўйича маслаҳатчиси Гулчехра Нигматжанова, — қаровсиз қолган болаларга оила — унинг учун энг яхши макон эканлиги, ҳар бир бола оилда улгайиши кераклигини англатишдан иборат. Шу боис бу ердаги болалар гуруҳларда эмас, чин маънодаги оилаларда, тутинган оналари ва ака-укалари билан бирга яшаб, улгайишади. Бу пайтда улар ҳамма тендошлари каби оддий мактаб ва боғчаларга боришади. Уларни 16 ёшга тўлганидан сўнг Ёшлар ресурслари марказида яшаб, токи ҳаётда мустақил бўлгунга қадар, яъни 20 ёшгача давлат томонидан моддий ва маънавий тарафдан таъминланиб турилса-да, алақибат улар ўз тақдирларини ўз қўллари билан яратиб бослайдилар. Ва шунинг билан айта оламнки, бизнинг қарамомиздан чиққан ўғил-қизларимиз бунинг уддалашаяпти ҳам.

Кизиқ, аини чоғда меҳрибонлик уйлари ва SOS болалар маҳалласида тарбияланиб, мустақил ҳаётга учирма бўлган болалар ҳозир нима билан машғул?

**Анастасия Болот, Жаҳон иқтисодиёт ва дипломатия университети қошидаги академик лицей ўқувчиси:**

— Аввал Самарқанд, кейин эса Тошкентдаги А.Хлебущина номи меҳрибонлик уйларида тарбияландим. Мен бу ерда кўрсатилган кўмак, хайр-саховат ва ҳаётга очик кўз билан қарашим учун ўз меҳр-муҳаббатини аямаган инсонлар олдида бир умр қарздорман. Шу боис қандай бўлмасин, уларнинг ишончини оқлашга



Жамиятнинг қай бир жабҳасига назар ташламайлик, хотин-қизларимизнинг фаоллигига гувоҳ бўламиз. Айниқса, фермерлик ва тadbиркорлик билан шуғулланаётган аёлларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, бу борада талайгина имтиёзлар яратилаётгани қувонарли ҳол.

Фаргона вилоятида ҳам юзлаб аёлларимиз имкониятлардан унумли фойдаланиб, фермерлик ва тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келмоқда. Соҳада муваффақиятга эришяётган

ҳаракат қиляпман. Ҳозирги кунда ўқиш билан бирга ёшлар марказида кўшимча хунар ҳам ўрганаёпман. Ахир мен мустақил ҳаёт йўлимини изғалиб олишим учун биргина маълумотли бўлишимнинг ўзи камлик қилади. Энг биринчи вазифам — давлат томонидан менга ажратилаётган имтиёзлик нафақани худа-беҳуда сарфламаслик. Келажакда насиб этса албатта олий маълумот оламан, оила курамай деган ниятдаман.

**Фаррух Тошқулов, Юридик коллеж талабаси:**  
— Бизнинг ҳаётимизда қувончли

## «БИЗ БЕГОНА ЭМАСМИЗ!»

### Маълумот:

... 11 ёшида ҳам ота, ҳам онасидан жудо бўлиб, етимликнинг аччиқ азобини тотган, ўзи каби сағир ва ҳимоясиз опаси қўлида улгайган ва охир-оқибат бор умрини уруш тўғрисида кўчаларда қаровсиз қолган болалар қисматини яхшилашга бағишлаган Герман Гмайнер исмли инсон дунёда биринчи бўлиб «SOS Kinder dog» болалар қишлоғини ташкил этганини кўпчилик яхши билса керак. Бу ерда ота-онасиз болаларга тул қолган, фарзандларидан жудо бўлган ёхуд оналик меҳрини кимгадир нисор этишга шай аёллар оналик, холалик қилишган... Даставвал Австриянинг Имск шаҳрида ташкил топган бу муруват гўшаси-ҳозиргача бор. Умуман, аини пайтда дунё бўйича 132 мамлакатда SOS болалар қишлоқлари мавжуд бўлиб, бундай ташкилот Ўзбекистонда ҳам фаолият бошлаганига 10 йилдан ошди.



воқеалар жуда кўп. Яқинда бутун маҳалла ахил бўлиб, қизларимиздан бирини ҳеч кимдан кам қилмай турмушга узатдик. Ўзимга келсак, орзуларим бир олам, аввало ҳуқуқий соҳа бўйича пухта билим олиш ва келажакда болалар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат. Чунки бутун дунёда болалар ҳаммиса ҳимояга муҳтождирлар. Мен бунинг бошимдан ўтказдим ва давлатимизга имон раҳмат, мени ўз ҳимоясига олиб, тарбиялаб воғга етказди. Энди зиммамдаги фарзандлик қарзим бу берилган имкониятга муносиб бўлиш.

**Эльмира Ерёмина, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицей ўқувчиси:**

— Бунинг тан олиш оғир, аммо айримлар меҳрибонлик уйида воғга етган болалар тарбиясида бироз иккитланишади. Аммо бизнинг ҳам бошқалардан кам еримиз йўқ. Шунинг учун ҳам мен Берлинда ўтказилган халқаро Ёшлар форумида ҳам ана шу жиддий масалани ўртага қўйдим. Мазкур

### МЕХР ҚОЛУР...

конференцияда бир ҳақиқатни айтдим: — «Болалардан катталар ҳаётига, жамиятга кириб бораётган ҳар бир ёш йигит-қиз олдида, табиийки, муаммолар мавжуд! Булар — қисқача айтганда, руҳий тушунлиқдан тортиб, молиявий масалалар, атрофдагиларнинг муносабатию ҳатто уй-жойли бўлишгачадир. Ва ишонинг, гарчи улар орасида айримлари тақдир ҳукми билан ота ёки онасиз қолган бўлсалар-да, мақсадлари эзулиқ, одамларга яхши

### ШУ СОНГА ХАБАРЛАР

## ИШБИЛАРМОН АЁЛЛАР ҒОЛИБ

Куни кеча пойтахтимиздаги Миллий санъат марказида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури» ва «Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш» жамғармалари ҳамда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмасининг грантлар лойиҳалари ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Маълумки, мустақиллик даврига келибгина Президентимиз раҳнамоллигида жамиятда хотин-қизларнинг тутган ўрни ва нуфузини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини ҳимоя қилиш, тadbиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ва истиқболли ишлохлар амалга оширилди. Айниқса, Юртбошимиз томонидан 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик йили» деб эълон қилинган шу тармоқ вақиллари, шу жумладан, ишбилармон аёлларни ҳам руҳлантириб юборди.

Жорий йилда «Меҳр нури» ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармалари томонидан таъсис этилган «Оилавий тadbиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун грантлар» дастурига 420 га яқин, «Кичик ва ўрта тadbиркорлик ҳамда фермерлиқни ривожлантириш учун грантлар» дастурига эса 30 нафар ишбилармон аёлга бир миллион сўмлик грантлар топширилди. Деҳқончилик, қорвачилик, паррандчилик, озик-овқат, тўқимачилик, ишлаб чиқариш соҳасидаги ташаббуслари учун 20 нафар ғолиб 1,5 миллион сўм миқдоридagi пул мукофотини қўлга киритди.

Уч йилдирки, мамлакатимизда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси томонидан «Йил аёли» миллий танлови аънанавий тарзда ўтказиб келинмоқда. «Оилавий қадриятлар посбони», «Муруват элчиси», «Миллий ананалар давомчиси» ҳамда «Йилнинг бизнес кашфиёти» каби янги номинациялар киритилгани бу йилги танлов нуфузини янада оширди. Унда 28 миң 703 нафар иштирокчи рўйхатга олинган эди.

Ниҳоят ушбу ўзига хос кўрикда Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳридаги Болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори Саида Мирзараҳимова «Йил аёли — 2010» миллий танловнинг ғолиби деб топилди. Унга бош соврин — «Матиз» автомашинаси топширилди.

Барно МИРЗААХМЕДОВА

## ТАҚДИМОТ ЎТКАЗИЛДИ

ЮНФПА ваколатхонаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида Ўзбекистон Миллий матбуот марказида БМТ Аҳолисунослик жамғармасининг «2010 йилда жаҳон аҳолиси» глобал маърузаси тақдироти бўлиб ўтди. Брифинг маъруза аёлларнинг инқироз вақтларидаги ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш билан боғлиқ масалалар, уларнинг ихтилофлардан кейинги тикланишларда тутган ўрни муҳокамасига бағишланди.

Тadbирда ЮНФПнинг Ўзбекистондаги вакили Карл Кулесса, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Дилфуза Ҳасанова, Андижондаги аёллар ва уларнинг оилаларни қўллаб-қувватлаш маркази директори Холида Мирзараҳимова ва бошқалар ушбу мавзу юзасидан ўз фикрларини билдиришти. Тақдирот якунида маърузага оид ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Авезжон БЕКМУРОВА

## ҲАР ЖАБҲАДА ЎРНАК

### ФҲДЁ ҲАЁТИ

опа-сингилларимиз тажрибасини тарғиб қилиш, бошқаларда ҳам кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликка иштиёқни кучайтириш мақсадида давра суҳбатлари, учрашувлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Айниқса, фермерлик борасида доврў таратган Ўзбекистон Қаҳрамони Паттилахон Эргашева фаолияти бугун кўпчиликка ўрнак бўлмоқда. Шунингдек, ҳар хафтаининг шанба кунлари тумандаги

ҚФЙларида режа асосида оиланда тиббий маданиятни ошириш бўйича аёлларга яратилаётган имтиёзлар юзасидан суҳбат ва учрашувлар ташкил этилапти. 2008 йилдан бундан ФҲДЁ бўлими ташаббуси билан ҳар душанба кунлари «Оила дорил-фунуни» томонидан мутахассислар иштирокида ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда. Уларда «Қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш»,

«Соғлом оила — соғлом келажак сари» мавзуларига катта эътибор берилмоқда. Қолаверса, тумандаги тиббиёт коллежида «Йод танқислиги касалликлари профилактикаси тўғрисида»-ги қонуннинг мазмун-моҳияти ва уни ҳаётга татбиқ этиш, бу борада аҳоли хабардорлигини ошириш мақсадида «Саломатлик байрами» ташкил этилди.

Ҳукуматимиз томонидан хотин-қизлар саломатлиги, ҳақ-

ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар замирида энг муҳими, уларнинг ҳам оила, ҳам жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш мақсадлари ётгани эътирофга лойиқдир.

Муборак КОМИЛЖОНОВА,  
Фаргона вилояти  
Риштон тумани  
ФҲДЁ бўлими мудир.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузаларини телевизор орқали кўриб, эшитиб суноиб ўтирдим. Негаки, юксак минбардан туриб айtilган фикр-мулоҳазалар, кўрсатма ва хулосалар ҳар қандай инсонни ўйлашга ва ўз навбатида мустақиллик йилларида рўй берган оламшумул ўзгаришлар, улкан бунёдкорликлар, шу жумладан, поёнига етаётган “Баркамол авлод йили” да барча соҳаларда эришилган муваффақиятларни обдон сарҳисоб қилишга даъват этади.

2011 — КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК ЙИЛИ

батта, ҳокимият, бозор раҳбарлари, тадбиркорлар уюшмаси, меҳнат биржаси каби ташкилотлар ёрдамида цехлар очдик. Янги иш ўринлари яратилди. Кийим-кечак, тўн, дўппи, кўрпа, ёстиқ, махси-ковуш, турли ме-

берди. Биласизми, авваллари томорқаси бор одамлар ерига нима экаяпти, тирикчилиги қандай ўтаётди — булар билан ишимиз йўқ эди. Ҳукуватимиз кўрсатмасига биноан мева, сабзавот, дон-дун етиштиришни,

ри учун қўлимиздан келгунича ҳаракат қилаёلمиз. Мактаб, лицей, коллежлар билан мунтазам ҳамкорликда ишлашга кирди. Эркинйўз Рўзमतова 2009 йили Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдори бўлганида қанчалар қувондик. Иноятхон Содикова деган кизимиз Америкада таҳсил кўраётди. Бу ёшларнинг бари истиклол фарзандлари-да...

# ИШЛАЙДИГАН, ЯШАЙДИГАН ЗАМОН КЕЛДИ

Очигини айта қолай, Юртбошимиз 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилганларида... ишонасизми, кўз олдимга ўзим билган ва таниган, қўлидан келгунича юртимиз ободончилиги, тўқинчилиги йўлида фидойилик намуналарини кўрсатиб ишлаётган хотин-қизлар келди. Яқиндагина Андижон вилоятида бўлганимда янгича чирой ва янгича қиёфа касб этаётган Асака шахрида учратганим барно аёл Маҳбубахон Қодировани эсладим. Ўз ишининг кўзини билган, қўли гул, тафаккури бой бу аёл — «Асака» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси. Маҳалла идораси шундоқ марказий бозор ёнида жойлашган.

дим. 28 йил дарс бердим. Ниҳоят, 2005 йили пенсияга чиқдим. Қизларга совчи келаяпти, тўйлар бошлашми керак, дедим. Қолаверса, уй бекалигини ҳўп соғинган эдим. Қаёқда дейсиз

беллар, нон, озиқ-овқат ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, бозоримиз бойиб, кенгайиб кетди. Бозори бой юртининг дастурхони тўқин бўлади деган-

чорва моллари боқиш, бунинг эвазига бозордаги нархларни бирмунча арзонлаштириш бўйича иш ташкил қилдик. Томорқаларни хатловдан ўтказиб, керак бўлса, талабгорларга банкдан имтиёзли нархда пул олиб бердик. Ўғит, уруғлик, зараркунандаларга қарши дори сотиладиган кўчма дўконлар уюштирдик. Бундай қулайликлар яратилганда кейин кимнинг ҳам уйда ётгиси келади?

Маҳбубахон Қодирова билан маҳаллага қарашли Умид, Асака, Жалолиддин Мангуберди номидаги кўчаларни айландик: текис, равон, озода асфальт йўллар, муҳташам уйлар. Маҳалла аҳли газ, сув, электр билан юз фоиз таъминланган. Қайси бир хунарманд, ишбилармон, ибратли оила соҳиблари билан суҳбатлашмайлик, уларнинг бари бундай фаровонлик замирида ўзаро аҳулик, яратилган кенг имкониятлар ётганини қайта-қайта таъкидлашди. Биз хусусий ошхонаю дўконлар, тикув ва тўкув цехлари очиб, келинлари, қизлари, ўғилларини, маҳалла ёшларини хунарли қилган, иш билан таъминлаган Аширхон Юсупова, Дилоромхон Мамадалиева, Азизахон Рустамова, Махсудахон Алимова, Мاستурахон Матқосимова каби қатор тадбиркор аёллар билан ҳам учрашдик. Масалан, Аширхон опанинг келинлари, қизлари тиккан чуст дўппилари, Мастурахон аянинг қизлари қавиған кўрпа-тўшаклар кўзимизни қувнатди.

— Маҳалламиз аҳлининг деярли ярмини ёшлар ташкил қилади,— дейди у бу ҳақда изоҳ бераркан. — Уларнинг қунт билан билим-хунар ўрганишлари, вақтларини мазмуни ўтказиш-

Биз маҳалла кўркига кўрк қўшиб турган икки қаватли чиройли бинолар ёнидан ўтиб борамиз. Булар маҳалламиз барча тадбирларига, ками-кўстига беминанат ҳомийлик қилаётган, кўп тармоқли фирмалар очиб, юзлаб ёшларни иш билан таъминлаган хусусий фирма эгалари Мастурахон Эгамбердиева, Мухтасархон Холиқова ва Рустамхон Мадаминовлар химмат ва маҳорат билан қурган салобатли бинолар экан. Аҳолига савдо, алоқа, маиший хизмат турлари, дорихона, ошхона, қўйингки, шу ҳудуднинг ўзида ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган.

Дарвоқе, бугунги ҳиқоямиз қаҳрамони Маҳбубахон Қодированинг оиласига ҳам кўпчиликнинг ҳаваси келади. Турмуш ўртоғи Салимхон Ҳамзаев Асака автомобиль заводига муҳандис бўлиб ишлаган, айни пайтда пенсияда. Уларнинг гулдек беш нафар қизлари бор, уларнинг ҳам қўлидан ип-игна тушмайди.

— «Баъзан эшитиб қоламан ошакон, айрим ношукр бандалар қиз кўрса ўзларича нолиб, бир-бирларини айбалаб юришади. Ўғилни, қизни, барибир фарзандку, кўраямиз, эшитяпти ҳам ўғил ўстирганларни, ундан кўра худодан иймони бутун ва қобил болалар сўраш керак. Ўзимиздан қиёс, кўёларим Қобилжон ва Шерзодбек оқибатли ва меҳрибон, беш неварамиз атрофимизда парвона. Небарим этса, эртанги кунимизнинг эгалари шулар-да. Бундан ортиқ бахт бормикан дунёда? — деб қўяди кичкинтойларни эркалаб Маҳбубахон.

Санъат МАҲМУДОВА, Андижон вилояти.



Икки ой ҳам ўтмай, маҳалламиз аҳли мени кўярда-қўймай, ўзларига раисликка сайлашди. Кўпни кўрган устозларим Собир ака Раҳмонов, Нўъмон ота Ҳайдаралиев, Юнусали ака Матқосимов, Қундузхон ая Мадазимова, Собир ака Ҳамроқулловларнинг маслаҳатини олдим. Бугунги давр шуни талаб қилаяпти. Уч мингдан ортиқ аҳолимиз яшайдиган 633 та хонадонга шунчаки раис сифатида эмас, жон-жигардек кириб бордим. Қарангки, маҳалламизда ўз ҳолича иш олиб бораётган 90 нафар аёл ва эркак хунарманд бор экан. Уларни мураббийликка даъват этдик. А-

лари рост экан.

Ана шу гаплар бўлганда аям раҳматли ҳаёт эдилар. «Бир умр чеварлик, мураббийлик қилиб, бир сўм маош олмасдан ишлаган эдим. Мустақиллик шарофати туфайли қанча одамлар бойиб кетяпти, қанийди, энди ёш бўлиб қолсам-у, мазза қилиб ишласам», деган эди ҳавас қилиб. Раҳматли қайнонам Ҳидоятхон она ҳам маҳалламиз фидокори, жонкуяри эдилар...

Маҳбубахоннинг ҳаётий ҳиқояларини бўлгим келмайди. У яна жўшиб сўзлайди:

— Маҳалламиз фаровонлигига яна бир харақатимиз ёрдам

— Ошакон, мен беш ёшимдаёқ кўлимга ип-игна олганман,— дейди у жилмайиб, сўнг секин ҳиқоясини бошлади: — Онам раҳматлининг исмлири Ойтоҳиҳон эди. 71 йил яшаган бўлсалар, бир умр ҳаммамизга, маҳалла қизларига, келинларга дўппи, тўн, кийим-кечак, ўрин-кўрпа тикишни ўргатганлар. «Жонингни койитиб, хунар ўргансанг, барака топиб, яшайсан», дердилар у қиши доим бизларга. Аям айтган замон келди. Мен ҳаммавақт, ҳар қанча ишим кўп бўлса-да, вақт топиб, рўзгорга, кийинишга ниманики керак бўлса, ўзим тикканман. Қизларимга ҳам, маҳалламиз ёшларига ҳам шуни ўргатганман...

— Ҳа, мактабда ўқиб юрганимда жуда қизиқардим. Тошкентда сиртдан ўқиб, эрталаб шаҳар радиосида суҳандон ва муҳаррир, кун бўйи эса «Асака ҳаёти» газетасида муҳбир бўлиб ўн йил ишладим. Кейин мактабда тақлиф қилишган эди, болаларни севганим учун йўқ дема-

## ТАРҒИБОТДА ҲИҚМАТ КўП

ти. Шу аснода халқимиз орасида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, саломатлигига беътибор бўлмастик каби йўналишлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш эҳтиёжи ҳам туғилаётди, — дейди суҳбатдошимиз. — Тарғибот ишларини энди энди бошлаганимизда анча қийинчиликлар юзага келгани сир эмас. Лекин бугун қайси ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли билан учрашсангиз-да, репродуктив саломатликка, она ва бола соғлигини сақлашга жиддий қараётганларига гувоҳ бўласиз. Халқимиз мазкур масалаларнинг қанчалик зарур ва долзарблигини тўғри англаб етаётгани катта ютуғимиз, албатта. Бунга эришишимизда вилоятимиздаги барча туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, хотин-қизлар қўмиталари, прокуратура, ички ишлар, ФХД бўлимлари ва нотариат идоралари ходимларининг ҳиссаси бекиёс деб биланам.

— Албатта, бу масала бир киши ёки ташкилотнинг иши эмас, балки барчамиз бизде масъулмиз. Ҳамкорлик эса, сиз айтгандек, қутилган натижаларни бериши шубҳасиз.

— Дарҳақиқат, эйр этилган ташкилотлар орасидаги яқин ҳамкорлик натижаси ўлароқ умумтаълим ва ўрта махсус таълим масканларида тадбирлар уюш-



тирилиб, ёшлар орасида тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилаяпти. Жумладан, биргина Бекобод туманида «Эрта турмуш қуриш ва қариндошлар ўртасида қуда-андачиликларга барҳам бериш», «Никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти» каби мавзуларда 20 га яқин машғулот ўтказдик. Бундай тадбирлар вилоятнинг Чирчиқ, Оҳангарон, Янгийўл, Бўка, Бекобод, қўйингки, барча туман ва шаҳарларида ташкил этилди. Ноябрь ойида Бекобод шаҳрида ўтказилган «Оила — жамият таянчи» мавзусидаги тадбирда саъй-ҳаракатларимиз беиз кетмаганига ишонч ҳосил қилдик. Айниқса, ёшларимизнинг бу борада ҳар томонлама тушунчага эга бўлгани савол-жавобларда яққол сезилди. Бир сўз билан айтганда, ҳамма гап

## ЖАРАЁН

хар қандай масаланинг мазмун-моҳиятини жамоатчиликка тўғри ва холисона етказишга боғлиқ. Бу хайрли ишнинг ҳам ўзи шох ҳиқмати бор.

— Тошкент вилояти адлия бошқармаси 2009 йили тарғибот ва ташвиқот ишларини самарали олиб боргани учун шу йил бошида Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиғи билан тақдирлангани...

— Эътирофдан сўнг фаолиятларингизда сусайиш бўлмади, демоқчиёсиз-да! Йўқ, меҳнатларинг инобатга олинса, бу сени янги марралар сари ундайди. Бизга битдирилган ишонччи чин дилдан оқлашга интилиб ишладик. Суҳбатимиз сўнггида яна бир нарсани таъкидламоқчиман, Олий Мажлис Қонуничилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Юртбошимиз республикада оналар ўлими икки баробар, болалар ўлими эса уч баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидлади. Қисқа фурсатларда бундай муваффақиятга эришининг ўзи бўлмайди, албатта. Катта ишда заррача бўлса-да ҳиссамиз борлигини ўйласак, кўксимиз тоғдек кўтариллади.

«Оила ва жамият» муҳбири Турдудкул НОРМАТОВ суҳбатлашди.



Театр ва кино сахнасида бетақдор роллари билан мухлис-лар эътиборини қозониб келаётган ажойиб актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳриддин Раҳматов билан кечган суҳбатимиз мавзуси ижодий муҳит, бу мураккаб соҳа билан боғлиқ баҳсу мунозаралар, шу билан бирга, ҳар бир инсоннинг шахси, яъни ўзлигини намоён этишда энг муҳим устун бўлган оиладаги тарбия хусусида бўлди.

✓ **ГУРУНГ**

Меҳриддин РАҲМАТОВ:

## БАХТ МАНЗИЛИ — ОИЛАДА

— Меҳриддин ака, истайсизми, йўқми, санъат оламининг ўзига яраша қийинчиликлари, паст-баландликлари бор. Албатта сиз ҳам бу соҳага тасодифан келиб қолмагансиз, тўғрими?

— Актёрликни танлашимга кўпроқ болаликдаги орзуларим сабабчи бўлган, десам янглишмайман. Ўзбек миллий театр санъатининг даргалари Шукр Бурхонов, Турғун Азизов, устозларимиз Ёқуб Аҳмедов, Эркин Комилов, Теша Мўминовларнинг ҳар бир ўйнаган роли, кишиларини мунтазам кузатиб борар, бетақдор ижодларига ҳавас қилардим. Тақдирни қарангми, бугунги кунда ана шундай табарруқ инсонлар билан бирга ижод қилмоқ бахти насиб этди. Институтни битириб театрға келгач, аввалга икки йилча сахна ишчиси бўлдим. Аста-секин менга ҳам роллар бериб синаб кўришди. Ҳеч эсимдан чиқмайди, илк марта "Алишер Навоий" спектаклида Мўмин Мирзони ўйнаганман.

— Сизни экранда гоҳ такаббур, гоҳ содда, баъзан эса дардчил, дарвешифат одамлар қиёфасида кўриб ўрганганмиз. Аслида-чи?

— Санаб ўтилаётган образлардаги характер-хусусиятлар озми-кўпми, ҳар биримизда бўлиши табиий. Чунки одам турли ҳолат, ҳодисалар туфайли ўзидаги ижодий ё салбий хусусиятларни юзага чиқаради. Шу боис ҳалиги айтилган сифатлар, нуқсонлар бир чиндимдан бўлса-да, мендаям борлиги рости. Фақат актёр ўзига берилган ролнинг талаби, табиатидан келиб чиқиб, феъл-атворидаги айрим жиҳатларни бўрттириб, кучайтириб кўрсатишга ҳаракат қилади. Санъаткор профессионал даражага чиқиши учун шохми, гадоми, драматик ёки комедик роллар бўладими, бош қаҳрамон ё эпизодик образларми, хул-

лас, барига бир хил муносабатда яъни ўз иқтидори, маҳорати даражасида ва асосийси, чин дилдан ўйнаши лозим. Бунинг учун эса, у ҳар хил тоифадаги одамларнинг руҳиятига қира олиши керак. Шундагина актёр ўзи талқин қилаётган образ дунёсини, қиёфасини ярата олади. Баъзан шундай мураккаб роллар



«Антиқа қудалар» спектаклидан лавҳа.

бўладики, спектаклдан сўнг ўзимга келишим қийинроқ кечеди. Бундай пайтда кимгадир қаттиқ гапириб юбораман, ё аксинча камгап, ўйчан бўлиб қоламан.

— Табиийки, ҳозир ижод майдониди, у кинодами, сахнадами, барибир рақобат муҳити кучайиб бора-япти. Шундай жараёнда масалан, айтилик, сиз кўпдан буён орзу қилиб юрган ролни режиссёр энг яқин дўстингизга берса, қандай ахволга тушасиз? Мен бундан кўра яхшироқ ижро этишим мумкин эди, деб очикдан-очик фикр билдира оласизми?

— Аслида ҳозиргача бундай воқеа рўй бергани йўқ. Бўлганида ҳам ўзим тан берган ижодкор дўстинга ён босардим. Чунки бизнинг авлодга мансуб Учкун Тиллаев, Толиб Мўминов, раҳматли Алишер Ҳамроевлар билан бирга, баъзан битта спектаклда кўпроқ банд бўлганмиз. Кўпинча бош қаҳрамонларни бир-бири-

мизга дублёр бўлиб ўйнаганмиз. Кўпинча иккала актёр ҳам бош қаҳрамонларни ижро этган ҳолатлар учраган.

— Бирор китобни ўқиганингизда «Эҳ, қанийди, шу асар театримизда сахналаштирилса-ю, мен манави ролни маза қилиб ўйнасам», деб ҳеч ўйлаганмисиз?

— Кўпроқ тарихий, классик асарларни ўқиганимда шундай фикрлар пайдо бўлади. Масалан, ёзувчи Муҳаммад Алининг «Сарбадорлар» романини мутлаа қилиб, бир йўла уч-тўрт қаҳрамон образини ёқтириб қолганман. Спитаменни орзу қилган эдим, «Сўғдиёна» бизда қўйилди, ўйнадим. Анча кўнглим тўлди. Шунинг учун айтмоқчиманки, мен фурсат топдим дегунча, бирорта яхши баддий асар ёки шеърларни ўқишга тушаман. Бу одат кўз тегмасин, болаларимга ҳам кўчапайти. Халқимизнинг суукли шоири Эркин Воҳидовнинг деярли барча шеърларини ёддан биламан, десам муболага бўлмас.

— Ўзингиз ҳам мухлис сифатида бошқа театрларга тушиб турсизми? Охириги марта қайси спектаклни кўрдигингиз?

— Жуда оғриқли саволни бердингиз. Негаки, кўпчилигимиз турли ташвишларни баҳона қилиб, ёнгинамизда ўзлигини намоён этмоқ умидида юрган ҳақиқий, истеъдодли актёрлар ижодини кузатмаймиз, кўрсак-да, баъзан эътироф этмоқдан тийиламиз. Лекин санъат аҳли ҳар қандай ҳолатда ҳам бир-бирини қадрлаб, соғлом рақобат муҳитида ёниб, жўшиб ишлаши керак. Энди ўзимнинг томошабинлигимга келсак, яқинда Муқимий номидаги мусикали драма театри жамоасининг «Супер қайнона» комедиясини маза қилиб томоша қилдим. Актёрларнинг ижро маҳорати ҳам, мавзу талқини ҳам кўнглимдагидек.

— Энди оилангиз ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Турмуш ўртоғим Ёркиной тарбиячи бўлиб ишлайди. Қизларни Зебунисо ва Зулайхо мактаб ўқувчилари. Ўғлим Ақромбек эса боғчага боради. Оиламдагилар ҳам санъатсевар, имконлари борича спектаклларга тушишга ҳаракат қилишади. Баъзан мен ўйнаган ролларни кўриб, кузатиб, ўз фикр-мулоҳаза, эътирозларини айтиб туришади. Менинг назаримда, биз кимлигимиздан қатъи назар, ўз уйимизда, оиламиз бағрида аҳил ва бахтли бўлсак, жамиятда ҳам ўрнимиз шу даражада тўқис, бутун бўлади, яъни бахт манзили оилада! Айниқса, ёнингда сени тушунадиган, ҳар қандай вазиятда ҳам қўллаб-қувватлайдиган ҳамроҳинг, дилдош дўст-ёрларинг кўп бўлса, кўнглинг хотиржам ва ижод қилиб чарчамайсан.

«Оила ва жамият» муҳбири Шаҳноза РОФИЕВА суҳбатлашди.



**МАКТАБ** — Тилимизда фаол қўлланиладиган «мактаб» сўзининг туб илдиизи «ёзди» деган маънони англатади. Шунинг учун «китоб», «мактуб» «кутубхона», «котиб» сўзларининг туб маъноси «мактаб» сўзининг илдиизи билан бир хил.

**ТУЙНУК** — Қадимда уйлارга ёруғ тушиши, тутун чиқиб кетиши учун мосланган тешикка «туйнук» дейилган. «Ўзбек тилининг этимологик луғати»-да изоҳланишича, «туйнук» сўзи дастлаб «тунлук», яъни «тунлик» шаклида бўлиб, унинг илдиизи «кечаси» маъносидидаги «тун» сўзидир.

**ЧАҚМОҚ** — Қадимги тилимизда «чак» деган феъл бўлиб, у «зарб билан ур» деган маънони англатган. Шунинг учун ўт олдириш, ёндириш учун ишлатиладиган асбоб ҳам «чақмоқ» деб аталган. Қолаверса, яшин маъносидидаги «чақмоқ» ҳам булутларнинг бир-бирига зарб билан урилишидан ҳосил бўлади.

**КўНИ-КўШНИ** — Илмий манбаларда изоҳланишича, бир-бирига нисбатан ёнма-ён яшовчиларга нисбатан қўлланиладиган бу сўзнинг туб илдиизи «кўниш» маъносидидаги «кўн» феълдир. «Кўшни» сўзи ҳам «кўн» феълдан ҳосил бўлиб, унинг дастлабки шакли «кўнчи» бўлган. Демак, «кўшни» сўзи «кўнган» деган маънони билдиради.

Хушрўйга болалик чоғидаёқ, уйичи ва кўни-кўшни «шаддо» деб исм берганлар...

Абдулла Қодирий

**ПАЙРОВ** — Одатда, аскиячиликда бирон-бир мавзунини танлаб олиб, шу мавзу атрофидаги қизиқ гапларни кетма-кет улаб кетишга «пайров» дейилди. Сувнинг оқими ҳам шу сўз билан ифодаланган. «Пайров» сўзининг туб илдиизи «пайида бўлиш», «изма-из юриш» деган маънони англатади.

**ОЛМОС** — Шаффоф, ялтироқ соф углероддан иборат ўта қаттиқ, қimmat-бахо тош мазмунини англатган «олмос» сўзининг туб илдиизи «бузилмас, мустаҳкам» деган маъноларни билдираган.

Олмос ерда қолмас.

Мақол

**РИЕЗАТ** — Тилимизда, айниқса, адабий асарларимизда «риезат чекди» деган иборига кўп дуч келамаз ва «риезат» сўзини асосан «машаққат, қийинчилик, оғир меҳнат, заҳмат» маъноларида тушунамиз. Бу сўзнинг туб илдиизи «гимнастика машқлари», «спорт машғулот», «математика» ва «машаққат» маъноларини англатади.

**ЗЕФИР** — Мева шарбатига шакар қўшиб пиширилган қуюқ ширинлик, мева қиёми номини билдирган «зефир» сўзининг бошқа маънолари ҳам бор. Юнон мифологиясида фарбий шамол маъбудининг номи «Зефир» бўлган. Шунингдек, энсиз бўйлама йўллари бўлган, юпқа ва нафис ип газлама ҳам «Зефир» деб аталган.

**ЗАМБАРАК** — Тилимизда узун стволли артиллерия қуроли, тўп маъносини англатган «замбарак» сўзининг туб илдиизи «замбур» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «кичкина қовоғари» деган маънони билдиради.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

## ДУОГҲЙ МОМОЖОНИМДАН АЙЛАНАЙ

Гарчи тугилган йили номаълум бўлса-да, юз ёшдан ошганлари аниқ бўлган Бувижоним Шарофатхон Исмомилова ҳамон тетик, хотираси мустаҳкам. Фикрининг теранлиги билан ҳаммани хайратга солади. Эсимни танибманки, у кишининг доим бирор юмуш билан банд ҳолда кўради. Гоҳ тандирда нон ёпаётган, гоҳ хашак ўраётган, гоҳ тикув машинаси олдида аёлларга қўйлак ёки эркакларга тўн тикаётган бўларди.

— Меҳнат қилган инсон ҳамиша азиз бўлар экан, — дейдилар бувим оғир тин олиб. — Бизнинг бошимиздан жуда

кўп қийинчиликлар ўтди. Қишлоқда бирорта ҳам эркак қолмаган уруш йилларида 10-12 яшар болалар билан бирга бийдай далада галла ўрдик. Кечалари сув тарардик. То кеч кузгача пахта терардик, қор босиб ётган ғўзапоялардаги кўсақларни териб келиб, туни билан чувиб чиқардик. Уйда ёш болаларимиз бор, улар касал бўлса, гиёҳлар ёрдамида даволардик. Бир болам қизамикдан ўтди, яна бири кечаси билан иситмалади-да, тонгга яқин жони узилди. Ушанда боламни қандай касаликдан ўлганини билмаганимни ўйласам, ҳозир ҳам дунёга сизмай кет-

таман...

Менинг онам — бувимнинг ягона фарзанди. Ҳозир 76 ёшда. Ана шу ёлғиз қиздан бувим 8 набира, 27 эвара, 4 чевара кўрди. Қаҳатчилик йилларида ота-онасидан эрта айрилган Зуҳра холамини ҳам бувим фарзандликка олиб, вояга етказган. Улардан 10 набира, 30 эвара, ўндан ортиқ чеваралари бор.

— Худого минг қатла шукур, — дейди бувим бугунги дорилмон замонларни алқаб. — Невара-чеваралар қуршовида тўқин-сочин, фаровон ҳаётни кўрдим. Қанийди, сал ғайра-

✓ **ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР**

Малика ШАРОПОВА, Чуст шахри.

Мамлакатимизда барча соҳаларда олиб борилаётган изчил ислохотлар иқтисодийётимизнинг таянч нуқталаридан бири ҳисобланган тадбиркорлик ва хусусий бизнес тармоғида ҳам ўз самарасини бермоқда. Бу борада бевоқиф Солиқ кодексида ҳам қатор ҳуқуқ ва эркинликлар белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 24 майдаги "Тадбиркорлик субъектларини давлат

қил этишда яқиндан ёрдам беришяпти.

Давлатимиз томонидан тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун барча имкониятлар яратиб берилаётган бир пайтда уларга ҳар томонлама қулайлик туғдириш мақсадидан Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси кенг қўламли фаолият олиб бор-

**СОЛИҚ ФАОЛИЯТИ**

**ХИЗМАТЛАР ҚОНУНИЙМИ?**

**Тўй-томоша, кўнгили тантаналаримиз кўп. Албатта, бундай тадбирларнинг бирорта-санъаткорларсиз ўтмайди. Шундай бўлгач, кўпчилигимиз уларнинг хизмат кўрсатиши амалдаги қонунлар асосида тартибга солинишдан қай даражада хабардормиз? Сиз даврага тақлиф этган кўшиқчи фаолияти ёхуд харид қилинган грампластинка, аудиокассета, лазерли дискларнинг сотилиши, ёзиб кўпайтирилиши қонунийми?**

Ушбу фаолият турлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги қарори билан тасдиқланган ва тегишли тартиб-қоидалар билан кафолатлаб қўйилган. Яъни, тўй, юбилей ва бошқа тантаналарда хизмат кўрсатиш, грампластинкалар, аудиокассета ва лазерли дисклар ишлаб чиқиш, ишлаб чиқариш, ёзиш, кўпайти-

риш ва сотиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида махсус низоом ҳам қабул қилинган. Унда кўрсатилган хизмат турлари билан шуғулланувчилар учун талаб ва шартлар белгилаб қўйилган. Агар қайси бир санъаткор ёки бошқалар ноқонуний фаолият билан машғул бўлса, масъул идоралар, шу жумладан, давлат солиқ инспекциялари томонидан назорат қилинади.

Бу борада бизнинг туманимиз ДСИ ходимлари ҳам қатор чора-тадбирларни амалга ошириб келишмоқда. Худудимизда рўйхатга олинган "GAMMA PROMTION", "NAVO SOZI SHERALI", "INSANATION MEDIA" масъулияти чекланган жамиятларидан амалга оширилаётган фаолият турларининг қонунийлигини таъминлаш борасидаги ҳамкорлигимиз самара берапти.

**Ўрол РАҲМОНОВ,**  
**Мирзо Улугбек тумани ДСИ бўлим бошлиғи.**

**ЮРТ МАНФААТИ ЙЎЛИДА**

рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"ги қарорида алоҳида белги-ланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда махсус низоом қабул қилинган. Шу асосда фаолият юритаётган Сирғали тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари юрт фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган хусусий тадбиркорлар фаолиятини амалдаги қонунларга биноан таш-

моқда. Рўйхатга олинган яқна тартибдаги тадбиркорлар белгиланган мезонлар асосида солиқ ва бошқа ажратмаларни ўз вақтида тўлаб боришлари ҳамда ўзларига тегишли имтиёزلардан қай тариқа фойдаланишлари билан боғлиқ қоидаларга риоя этишлари таъминланмоқда.

**Жалолиддин НАЖМУТДИНОВ,**  
**Тошкент шаҳар Сирғали тумани ДСИ бўлим бошлиғи ўринбосари.**

**Кўп тармоқли**

**«DOCTOR-D» ГОСПИТАЛИ**

**куйдаги хизмат турларини тақлиф этади**

Госпиталимиз жаҳон талабларига жавоб берадиган, замонавий ва йирик Европа фирмаларида ишлаб чиқарилган тиббий жиҳозлар билан таъминланган.

- Магнит резонансли томограф (очик турдаги вази 200 кг. гача бўлган беморларни кўриш имкониятига эга, 2009 йили Японияда ишлаб чиқарилган);
- Маммограф (2009 йил Японияда ишлаб чиқарилган);
- Рақамли (цифровой) рентген (уйга ёки керакли жойга олиб борилиши мумкин);



- Поликлиника ва амбулатория;
- Стационар (бир кишилик VIP, LUX палаталар, Wi-Fi, ТВ, душ, кондиционер, музлатгич);
- Тез тиббий ёрдам (замонавий ускуналар билан жиҳозланган янги «HYUNDA» реанимобибли республика бўйлаб хизмат кўрсатади);
- Репродукция бўлими (ЭКУ, ICSI, PGD, IUI бачадон ичи инсеминацияси);
- Бепуштлиқни даволагандан кейин ҳосил бўлган ҳомиладор-

- лиқни олиб бориш;
- Ҳомила кўтара олмаслиқни даволаш диагностикаси;
- Бепуштлиқда лапароскопия ва гистероскопия;
- Экстракорпорал уруғ чиқмаганда азооспермияни экстракция IMSI усули билан даволаш (янги технология);
- Эракларда жинсий заифлиқни ва простатитни замонавий технология усулида даволаш;
- ВОЗ протоколлари бўйича спермограмма крюгер морфологияси MART-тест бепуштлиқнинг диагностикаси;
- Контрацептив воситаларни танлаш, сперматозоидларнинг ДНК фрагментациясини аниқлаш, AZF (азооспермал фактор);
- Олатни операциясиз узайтириш ва деформацияларини даволаш! Пейрони касаллиғи.

Бу борада бизнинг "DOCTOR-D" ихтисослаштирилган клиникамизда керакли муолажалар, тиббий ёрдамлар кўрсатилади (тел: +99871-113-00-57).  
E-mail: hospital@doctord.uz.  
URL: http://www.doctord.uz

**Хизматлар лицензияланган,**  
**лицензия рақами № ПЮ-2876.**

**«ЎКТАМХОН-НУР» ЎҚУВ МАРКАЗИ**

**куйдаги ўқув курсларга тақлиф этади:**

- |   |  |
|---|--|
| Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.            | Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).    |
| Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.                  | Каштачилик — 3 ой (машинада вышивка).        |
| Аёллар костюм-шими, плаш-пальто — 1-2 ой.         | Тўқувчилик — 2 ой.                           |
| Ҳамшира — 6 ой. 4 ойи ўқиш.                       | Инглиз тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.      |
| Ҳамшира (тезор) — 3 ой.                           | Рус тили — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.         |
| Тиббий массаж — 2 ой. Нуқтали — 1 ой.             | Бисер, яъни мунчоқ тиқиш — 2 ой.             |
| Торт ва пишириқлар — 2 ой.                        | Сунъий гул ясаш — 1-2 ой.                    |
| Пишириқлар олий курси — 1 ой.                     | Компьютер сабоқлари — 2 ой. Интернет — 1 ой. |
| Уйғурча таомлар ва салатлар — 1 ой.               | Арабча ва миллий рақс — 3 ой.                |
| Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.                       | <b>Барчаси амалиёти билан</b>                |
| Педикюр, маникюр — 1 ой.                          | <b>Ётоқхона мажбуд.</b>                      |
| Сартарошлик — 3 ой.                               |  |
| Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.         |  |
| Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.                        |  |
| Элита парда ва чойшаблар тиқиш олий курси — 1 ой. |  |

**Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.**

Манзил: Тошкент шаҳри Юнусобод тумани, 3-мавзе, 1-уй, 31-хона.  
Мўлжал: Юнусобод дехқон бозори ораксиди.  
Тел: (8 371) 221-17-95, (8 371) 221-77-72 (кундузи),  
(8 371) 225-97-93 18:00 дан 22:00 гача.

**«NORBEKOV SOG'LOMLASHTIRISH MASKANI»**

**Сизларни соғломлаштириш курсларига тақлиф этади!**



Агар Сиз истасангиз, дардингиздан ўзингиз халос бўлишингиз мумкин. Бу йўлда биз Сизга ёрдам берамиз. Бунинг учун Сиздан фақат хоҳиш, ҳаракат, ишонч ва озгина меҳнат талаб қилинади. Марказимизда академик Мирзакарим Норбеков услуби бўйича ҳеч қандай дори-дармонсиз, ташқи таъсирларсиз 10 кун мобайнида турли хил машқлар ёрдамида инсоннинг ички ҳимоя кучлари ишга солиниб, кўплаб дардлардан фориг бўлишингизга кўмаклашилади.

**Жумладан:** кўз касаллиқлари, астигматизм, узоқ ва яқинни кўра олмаслик, катаракта, қон томирлар варикози, қон босими ошиши, остеохондроз, юрак-қон томирлар хасталиғи, кўз ва кулоқ нерви невритлари, ички аъзо хасталиқлари, ошқозон-ичак хасталиғи, ўпка-нафас олиш системасидаги муаммолар, модда алмасинуви, умуртқа поғонаси, гинекологик, урологик, аллергия тери хасталиғи, астма, простатит, гипертония, экзема ва бошқа касаллиқлар. Бундан ташқари, соғлигингизни тиклабгина қолмай, турли хилдаги оғриқлар, рухий тушкунлик, уйқусизлик, асабийлашиш ҳолатлари, оилавий ва атрофингиздагилар билан бўладиган муаммоларни бартараф этишингизга ёрдам берилади. Академик Мирзакарим Норбековнинг соғломлаштириш услуби фойдали, шу билан бирга оддий ва самарали. Бу услубнинг асосини Шарқ файласуфларининг мумтоз аънавалари ва қадим китобларда тасвирланган, йиллар синовидан ўтиб келган соғломлаштириш усуллари ташкил қилади. Бу услуб ёрдамида марказимизда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган барча фойдаланиши мумкин.

**МАНЗИЛИМИЗ:** Кабул куни 4 январь соат 10<sup>00</sup> да.  
Тошкент шаҳри, Биринчи кун кириш бепул  
Чўпон ота кўчаси, 23-«а» уй.  
Мўлжал: метронинг М. Улугбек бекати, Гувоҳнома № 000162.  
9 қаватли сариқ бинонинг ораксидида 2 қаватли бинода.  
Батафсил маълумот учун телефонлар: (8 371) 276-44-59; 276-28-89.  
www.norbekov.uz e-mail: madadi-sino@mail.ru

**Хурматли ҳамкасбимиз Шавкат СУЛТОНОВ!**  
Таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сиз кўп йиллар давомида матбуот соҳасида меҳнат қилиб, муштарийлар хурматиға сазовор бўлиб келаясиз.  
Албатта, бугун сермахсул ижодингиз меваларини татияпсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр ва оилавий бахт тилаймиз. Самимий эҳтиром билан  
**«Оила ва жамият» газетаси тахририяти жамоаси**

**Хурматли Тоҳир МУҲАММАДИЕВ!**  
Сизни туғилган кунингиз билан табриқлаймиз. Умрингиз узоқ бўлсин. Оиламиз бахтига доимо соғ-саломат бўлинг. Хурмат билан  
**Оила аъзоларингиз.**  
**Қарши шаҳри**

**Азиз фарзандимиз Ферузахон!**  
Сени 18 баҳоринг билан чин дилдан қутлаймиз. Ўқиш ва ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз. Келажакдаги барча орзуларингиз рўёбга чиқишига тилақдошимиз. Бахтимизга соғ-саломат бўлиб юргин.  
**Дадаңг Зафар, ойинг, укаларинг, синглин.**  
**Тошкент шаҳри**

**Kafolat DACK (OAJ) дирекцияси ТВЭФЖМС бўйича қатъий ҳисобда турувчи** KF 0000096, KF 0000164, KF 0000165, KF 0000166, KF 0000167, KF 0000168, KF 0000169, KF 0000170, KF 0000171, KF 0000172, KF 0177117, KF 0177118, KF 0177119, KF 0177120, KF 0177121, KF 0177122, KF 0177123, KF 0177124, KF 0177125, KF 0177126, KF 0177132, KF 0179406, KF 0180118 рақамли полислар ва махсус давлат белгилари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

... Бундан 205 йил илгари, яъни 1805 йилнинг ноябрь ойида веналик қас-соб Иоган Ланер томонидан илк бор сосискалар ихтиро этилган эди. Унинг гоёси мол ва чўчка гўшти қиймасидан кичкинагина, ихчам колбасачалар ясашдан иборат бўлгани учун бунинг ҳеч қандай ёмон томони ҳам бўлмаган. Аммо орадан қарийб икки аср ўтганига қарамай, дунёнинг барча халқлари ҳанузга қадар колбаса ва сосиска маҳсулотларини севиб истеъмол қилиб келишмоқда. Тўғри, ҳозир бу егуликлар турли миллат ва динларнинг ақидаларидан келиб чиққан ҳолда минг-минглаб турлардан иборат бўлса-да, аммо... уларнинг тайёрланиш жараёни ва таркиби деярли бир хил эканлигини мутахассислар ҳам кўп бора таъкидлашган.

## СОЯГА ШАРАФЛАР!

Шундоқ ҳам ҳаммага маълумки, колбаса фақатгина гўшдан тайёрланмайди, дейишмоқда диетолог ва нутрициологлар. Гўшт, масалан, дудланмаган колбаса турлари (масалан сосиска, сарделька, шпикач) таркибининг бор-йўғи 2 ёки 8 ва кўпинча 10 фоиздан ортигини ташкил этиши мумкин, холос. Қолгани эса, юмшоқ қилиб айтганда, колбасанинг тайёрланиш рецептига боғлиқдир. Аммо бу ҳам гўшга алоқадор эмас. Колбаса тайёрлаш маҳсулотларига асосан хайвон қони, сут, молнинг томир, ичаклари, ички органлари (афсуски жигар ва ўпка ҳам эмас, айнан ошқозон, ўт, кекирдик ва бошқалар) ҳамда соя қўшилиб, бу қўйқанинг барчасига турли зирворлар, туз, мурч аралаштирилади.

Бу гаплар асло шунчаки одамларни колбаса маҳсулотини истеъмол этишдан қўрқитиш учун эмас. Бу — бутун дунё бўйича давлат стандартлари ҳисобланадиган, колбаса ва колбаса маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қўлланиладиган асосий маҳсулотлар таркибининг рўйхати, холос.

Шунингдек, колбасалар табиийки хайвон оқсиллари ҳам эгадир. Аммо бу оқсиллар маҳсулот таркибидея жуда кам миқдорда бўлгани учун ҳақиқий гўшга

# КОЛБАСА: ФЙДАЛИМИ ЁКИ

Ҳар қандай колбаса маҳсулотидея туз жуда кўп миқдорда ишлатилган бўлиб, бу ўз навбатида унинг таркибидея ёғ миқдорини «яшириб» туради. Шу боис ҳам шифокорлар колбасани кўп миқдорда истеъмол қилиш семиришга олиб келишини таъкидлашади.

тенг келолмайди. Дудланган колбасаларда оқсил миқдори бир мунча кўпроқ бўлса-дея, ҳеч бир колбаса, ҳатто энг юқори сифатлиси ҳам барибир ҳатто 50 фоизга ҳам гўшдан иборат бўлмас экан. Айни пайтда гўшт комбинатларида колбасага соя қўшилади. Бундан ташқари колбасага йирик ёки майда моллар териси ҳам аралаштирилади. Чунки тери коллаген моддасига эга бўлгани учун сув билан реакцияга киришиб, шишади ва маҳсулотга хажм беради. Афсуски, бир пайтлар унинг ўрнига қороздан ҳам фойдаланишган...

## ЗАРАРЛИ?

### АММО БАРИБИР ТОТЛИ-ДА!

Ҳақиқатан ҳам, колбасаларнинг таркиби аслида нималардан иборат эканлигини билсак-билмасак-дея барибир, хуш-таъм бўлганлиги учун истеъмол қилаверамиз. Чунки унинг таркибидеяги таъмини кучайтирувчи, хид ва ранг берувчи, шунингдек, туз, мурч ва бошқа зирворлар уйғунлиги тилнинг таъм билиш хусусиятларини кўзгади. Унутмаслик керак, ҳар қандай колбаса маҳсулотидея туз жуда кўп миқдорда ишлатилган бўлиб, бу ўз навбатида унинг таркибидея ёғ миқдорини «яшириб» туради. Шу боис ҳам шифокорлар колбасани кўп миқдорда истеъмол қилиш семиришга олиб келишини тинмай таъкидлашади.



## Билиб қўйган яхши

### НОНУШТАДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

Табиийки, колбасанинг яна бир қулай томони, у эрталабки нонушта учун энг ейимли ва тайёрланиши осон маҳсулотдир. Аммо эрталаб ундан бир кесим бўлса-дея истеъмол қилган бўлсангиз, тушликда албатта бирор ҳил мева еганингиз маъқул.

Ҳар қанча «минус»ларга эга бўлишига қарамай, колбаса барибир тезкор енгил тамадди учун афзаллиги учун ўзига ҳос «плюс»ларига ҳам эга. Ҳафтасига бир марта колбасали бутерброд ейиш организмга ҳеч қандай зарар етказмаслиги ҳам мумкин. Аммо деярли ҳар кун нонуштага колбаса, сосиска маҳсулотларини истеъмол этишни хуш кўрувчилар қуйидаги қоидаларга амал қилишса, фойдадан холи бўлмасди:

1. Эрталаб колбаса еган одам албатта турли бўтқалар, ҳўл мева ёки сабзавотларнинг турли кўринишдагиси — янги узилганими, салат ёки қайла қилинганиданими, истеъмол қилгани маъқул.

2. Колбасани албатта қора, бугдой, иложи бўлса жавдар нон билан еган маъқул.

3. Тановулдан олдин ҳар қандай колбасани албатта қовуриб олган яхши. Аммо унинг ранги жигарранг бўлиб кетгунча эмас. Яхшиси, товага ёғ солмай, қизартириб олган маъқулроқ. Шунда колбаса таркибидеяги зарарли микроэлемент ва ёғлар йўқолади.

Дилфуза ЎРОЛ қизи тайёрлади.

## ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ ● ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

### Кўп гапира бошладикми?

Олимлар «Google» қидирув хизматидан фойдаланиб, тил тадрижининг сўнги 200 йиллик тарихини ўрганишди.

Илгари тадқиқотчиларда бундай техник имконият йўқ эди. Улар рақамли форматга ўтказилган тахминан 15 миллион китобнинг учдан бири (инглиз, француз, испан, немис, хитой ва рус тилида ёзилган 5,2 миллион таси)ни саралаб олишди ва сўзлар сонини ҳисоблаб чиқишди. Маълум бўлишича, уларда тахминан



кўмондонди ҳамроҳлик қилган. Ҳукумат делегацияси НАТО кўшинлари сафидея хизмат қилаётган немис ҳарбий базасидея бўлди. Меркель хонимнинг кейинги режалари ва ташрифлари жадвали маълум қилинмаган.

Афғонистонда ҳозирги кунда 4700 нафар немис аскар хизмат қилмоқда. Улар 2011 йил охирларидан секин-аста чиқиб кета бошлайди. Январда Германия парламенти Афғонистон масаласи юзасидан бир қарорга келиши кутилмоқда. Бу жафокаш юртда шу пайтгача 40 дан ортиқ немис аскар кўрбон бўлди. Охирги хунук ҳодиса 17 декабрь — жума оқшомида юз берган: 21 яшар оғир ярадор аскар ҳалок бўлган.

### ЭРИ... ХОТИН ЭКАН

Ҳиндистоннинг Орисс штатидея истиқомат қилувчи 26 яшар аёл полицияга эри хотин бўлиб чиққанидан шикоят қилди, деб ёзади «Culture Clash Daily».

Минати Хатуанинг ҳикоя қилишича, у бир неча йил илгари орзусидеяги йигитни топганди. Улар бир-бирига ёқиб қолиб, учрашиб юришарди. Кўп ўтмай йигит қизнинг қўлини сўрайди.

Қисқаси, муҳаббатларининг узун тарихи 2009 йил сентябрь ойида тўй билан ўз якунига етади. Куёв жаноблари диний эътиқоди туфайли вақтинча оилавий ҳаётдан тийилиб туриши лозимлигини айтади, бахтли келин ҳам бунга осонгина қўна қолади.

Бир муддат ўтгач, янги келиндан онаси ҳол-аҳвол сўраганда, у жуда-жуда бахтли эканини, фақат битта «лекин»и борлигини айтади. Онанинг қистови билан қиз эрини қаттиқ кузатув остига олади ва бир кун и сир фож бўлади.

Шундан сўнғ ҳам Хатуа полицияга мурожаат қилайми-йўқми деб бир неча ой иккила-нб юрди. Бу орада «эр»ининг қариндошлари ҳам тинимсиз кўнғироқ қилиб, унга дўқ уриб



туришарди. Ахйри, бечора қиз бир неча кун илгари полицияга боришга қарор қилади. Дастлабки тахминларга қўра, аслида аёл бўлган «эркак» Хатуага унинг сепига эга чиқиш учун уйланишни кўзлаган бўлиши мумкин. Тўй кун и ота-онаси қизига машина ва 25 минг рупий (480 евро атрофида) пул ҳадя қилганди.

Интернет манбалари асосидея Фаррух ЖАББОРОВ тайёрлади.

## ● АЖИБ ОЛАМ ● АЖИБ ОЛАМ

### “ТИРИЛГАН” МУРДА



Шотландиялик жарроҳ, тиббиётчи олим Эндрю Юр бир вақтининг ўзидея физика ва иктисодиёт соҳасидея эришган ютуқлари билан ҳам ном таратган эди. Физик ҳодисаларнинг билимдон и бўлган бу доктор бир қалтис эксперимент ўтказишга ҳам улгурган.

У ўликхонадаги мурдалардан бирини олиб, талабалар кўз ўнгида галати бир тажрибани амалга оширади. Яъни, бутун жасадга турли симчалар ва батареяларни ўрнатиб чиқади. Симларга батареялар орқали ток берилганда, мурда қўллари ва оёқларини қаттиқ силкита бошлайди. Ҳатто “у” докторнинг ассистентларидан бирини қаттиқ тепиб ҳам юборади. Ушунда воқеани кузатиб турган иштирокчиларнинг кўпчилиги бу докторнинг ўлиқни тирилтири олишига ишониб қолишганди.

### ҚОР РУЛЕТЛАРИ

Сиз оппоқ қорни соққа шаклига келтириб қорбўрон ўйнаган ёки ўша кичик қор соққасини думалатиб, турли катталikka келтириб қорбоблар ясаган дамларингизни завқ билан эслайсиз. Айниқса, қалин қор ёққанда ва бўрон турганда қорларнинг денгиз тўлкинлари каби ўрқач-ўрқач ҳолатга, қум барханлари шаклига келиб қолишини ҳам кузатгандирсиз? Деразага чизилган



эсан шамол ёпишқоқ қорларни ўйнатиб, думалатиб рулет шаклига келтириб қўйишига нима дейсиз?! Турли ҳажмдаги бу қорбобчалар каттагина тезликда думалаб келаётганда унинг қаршига чиқишни ҳаёлга ҳам келтирмаслик керак. Қор кўчкисидея бўлмаса-дея, бу гўзаллик ҳам инсон ҳаётига етарлича хавф туғдира олади.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.



500 миллиард сўз ишлатилган экан.

Тахлиллар қизиқ-қизиқ хулосаларга олиб келди: охирги юз йилда фаол сўзлар миқдори икки баробарга ошибди. 1900 йил и 544 минг атрофида сўз ишлатилган бўлса, 2000 йил и эса бу кўрсаткич бир миллионга етганди. Айтиш жоизки, 52 фоиз янги сўзлар тилнинг фаол қатламга 1950 йиллардан кейин кириб келган.

### КУТИЛМАГАН САФАР

Германия канцлери Ангела Меркель кутилмаган ташриф билан Афғонистонда бўлди, деб хабар тарқатди «Associated Press».

Сафар чоғи Меркель хонимга мудофаа вазири ва қўшин

Бугунги юксак мартаба — профессор деган шарафга эришгунча, тиббиёт соҳасида таниқли олимлар сафидан ўрин олгунча илмнинг не-не машаққатли довларини босиб ўтмади, дейсиз. Бир умр — талабаликдан то профессорликка етишгунга қадар отаси — кекса деҳқон Қўлдош бобонинг ўғитларини мудом ёдида сақлади. Қанча йиллар ортада қолди. Орзулар уни тиббиёт институтига етказиб келди. Етук шифокор бўлишнинг машаққати кўп, шунинг учун талабалар бошдан оқил эгаллаш йўлидаги оғир синовларга рўбару қилинади.

Институт ректори давлат имтиҳонидан иштираётган экан, унинг барча саволларга берган жавобидан хурсанд бўлиб: «Бизга шундай илмий ёшлар керак. Уларни қўллаб-қувватлаймиз. Қўлдошев, аспирантурага кириш учун ҳаракатни бошлайверинг», деганди. Бундай ишонч кимни ҳам руҳлантириб, ўзига ишончини оширмайди?! У бамисоли қанот боғлагандек учига шай эди. Шу тарихи институтни имтиёзли диплом билан тугаллаш насиб этди. Кўп ўтмай, ректор тавсияси билан энг зўр кафедрадан бирига ассистент этиб тайинланди. Шу жойда унинг иш фаолияти бошланди.

Тиббиёт кўп тармоқли соҳа. У патологик анатомия йўналишини танлаб янгилашди. Йиллар кучига-куч, билимига билим, обрўсига обрў қўшиб борди. 1971 йили илмий изланишларини Тошкентда — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти патоморфология лабораторияси мудури сифатида давом эттирди. Бу борадаги тадқиқотлари фанинг янада долзарб муаммоларига бағишланган эди. Инсондаги аъзо ва тўқималарни кўчириб ўтказишни ўрганидиган фан трансплантология соҳаси бўлиб, тўқималардан қайси бирини — ўлик ёки тиригини кўчириб ўтказиш яхши самара бериши аниқ эмасди. Бу масала трансплантологлар олдида муҳим муаммо бўлиб турганди. У ана шу муаммони илмий жиҳатдан ҳал этишга бел боғлади. «Формалиннинг кучсиз эритмасида консервацияланган тоғай ва пай тўқималарнинг хусусиятлари ҳамда уларнинг трансплантацияси» мавзусидаги докторлик диссертациясини Москвада муваффақиятли ҳимоя қилди. Бу олимнинг илмдаги катта ютуғи эди. Фан доктори илмий даражасига эга бўлган шифокор-олим ўз соҳасининг таниқли мутахассисларидан бирига айланди...

Тошкентда ўн беш йилча яшаб, докторлик илмий ишини ҳимоя қилганидан

сўнг уни улғайтирган Самарқанднинг меҳри торта бошлади. Мана, ўша орзулари ҳам ушалди. Ўзи битирган олий ўқув юртига кафедра раҳбари, профессор бўлиб борди. Ҳозир қанчадан-қанча шогирдлари бор. Қаерга бормасин, "Э,

гун унинг сермазмун умр дафтарини безаб турибди. Тақдир экан-да, барибир "Тошкентнинг донини еган чумчуқ Маккатиллодан бўлса-да қайтиб келади" деганларидек, Давлат Қўлдошеви ҳам пойтахтнинг меҳр-муҳаббати, бой ижо-

**Уни олис йўлга кузатганда ота ҳам, она ҳам ҳали ёш эди. Кичкина Давлат қишлоқнинг тупроқ кўчаларини чангитиб юрарди. Ёз ойлари тўлиб оққан Эски анҳорнинг бўтана сувлари уларни эртадан кечгача ўзига чорларди. Вақти келиб, шундай узатсанг қўл етгудек жойдаги Самарқандга, у чоғлар машина ва поезд борадиган йўл қурилмагани учун Шахрисабзу Бухорони кўзлаб йўлга тушаркан, энди бундай ўйинқароқликнинг вақти ўтганини баногоҳ англаб етдию орқасига қарай-қарай, ахийри шахд ила улуг шахар сари интилди.**

## ТИББИЁТЧИЛАР СУЛОЛАСИ



домла, ўзингизмисиз?" дея қучоқ очиб чиқишди...

Орадан яна қанча йиллар ўтди, кўҳна Самарқандда кечган унутилмас сабоқлар, илмий изланишлар, дўсту-қадрдонлар даврасида кечган ҳаяжонли лаҳзалар бу-

дий-илмий муҳити ва дўстлар дийдори, соғинчи оҳанрабодек ўзига тортаверарди. Узоқ ўйланди. Самарқандда ҳам ҳамма ҳавас қилса арзирли уй-жойи, иши бор эди. Лекин...

Яхшиям, ёнида уни бир қарашдаёқ се-

### ✓ НУР ТҮЛА УЙ

задиган, тушунадиган рафиқаси Кенжаҳон опа бор. Аёлининг руҳлантириши, фарзандлари, яқинлари билан бамаслаҳат келишган ҳолда охири Тошкентга қайтишга қарор қилди. Тошкент Тиббиёт педиатрия институти раҳбарлари унга кафедра профессорлигини таклиф этишди.

Энг муҳими, қизлари ҳам ўқиб, турмуш қуриб, яхши-яхши ишларнинг бошини тутишган. Табиийки, ота-она учун уларнинг ҳаммаси бирдай ширин ва қадри. Бироқ Нигора қизининг ота изидан бориб, болалар тиббиёти соҳасида диссертация бошлаб қўйгани ота билан онанинг меҳрини янада оловантириб юборди. Улар Нигоранинг ёнида бўлиши ҳам фарз, ҳам қарз, деб тушунишди. Онаси невараларига қараб турса, Нигоранинг илмий иши тезлашиши мумкин. Ота ҳам, кимсан, тиббиёт соҳасида профессор, қизига яқиндан туриб йўл-йўриқ бериб турса, тиббиётчи олимлар сулоласи тезроқ шакллана бошлайди...

Мана шунга ҳам беш-олти йил бўлиб қолди. Қизи Нигора ўз диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Институтдан талабалар учун янги дарслик ва ўқув қўлланмалари яратиш бўйича таклифлар кўпайди. "Врач фаолиятининг ҳуқуқий асослари" ҳамда "Суд тиббиёти" (Алишер Искандаров ҳаммуаллифлигида) китобларини ёзди. Буларнинг бари албатта яхши ташвишлар. Бир ёши олтиши билан етмишининг ўртасига бориб қолганда шунча хайрли ишларга бош-қош бўлишнинг ўзи бўладию? Лекин Давлат ака ҳаммасига улгуряпти.

... Давлат Расулович барвақт уйғониб, институтга бориш учун тараддуд кўра бошлади. Эндигина нонуштага ўтирган ҳам эдики, телефон жиринглаб қолди. Самарқанддан қизи Гулбахор телефон қилаётган экан. У отаси ва онасини келаётган кулуг байрами билан табриқлади. Сўнг отасини хурсанд қилиб қўшиб қўйди:

— Отажон, ниҳоят диссертациямни ёзиб тугатдим. Ҳозир компьютерда яна бир бор қўриб чиқаяпман. Насиб бўлса...

Ота учун, бутун умрини тиббиёт фани ривожига бағишлаган, не-не аспирант ва талаба-шогирдларга устозлик қилган, уларнинг фан номзоди ва фан доктори деган унвонлар соҳиби бўлганини кўрган илм захматкаши, ҳақиқий олим учун бундан ортиқ қувонч борми? Қўлдошевларнинг тиббиётчи олимлар сулоласига яна бир олима қўшилдию...

**Мурод АБДУЛЛАЕВ,**  
журналист.

«Уйдагиларимнинг айтишича, мен икки ёшимда полиомиелитга чалиниб, узоқ вақт тўшақка миҳлиниб қолган эканман. Вақт ўтиши билан аста-секин оёқларим ҳаракатлана бошлади. Кейинчалик кўлтиктаёқ ёрдамиде юра бошладим, лекин таянч-ҳаракат аъзоларимда касаллик асоратлари қолди. Урта мактабни тугатиб, ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ)нинг математика факультетига ўқишга кирдим ва битиргач, мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаш бошладим. Ногирон бўлсам-да, тўрт мучаси соппасоғ Гулбахор менга кўнгли кўйди ва иккаламиз турмуш қурдик. Биз худаям бахтли яшардик. Ўғлимиз ва қизимиз туғилди. Хотиним фарзандларимизни еру кўкка ишонмасди. Уларнинг тарбияси билан жиҳдий шугулланарди. Унинг ёлғиз укаси автохалокатга учраб вафот этгач, қаттиқ қуюнганидан қон босими кўтариладиган бўлиб қолди. Эндигина ўғлимизни уйлантиргандик. Кўргулик экан. Гулбахорнинг қон босими ошиб, ҳушини йўқотди-ю... тўсатдан қаю қилди.

Ҳозир фарзандларим атрофимда парвона. Лекин барибир



ёлғизликдан қийналяпман. Ёшим 60 да. Моддий жиҳатдан таъминланганман. Қадримга етдиган, тақдири ўзимникига ўхшаш аёл учраса, хабар берсангизлар.

**ЭРКИН ака,**  
Тошкент вилояти".

«Рўзбойи етим ўсганди. Ота-онаси юкмули хасталикка учраб, уч ой ичиде кетма-кет қаю қилган экан. У бувиси Норбуви момонинг кўлида воғга етди. Қўшни қизлар билан уларникига уй ўмушларида ёрдамлашгани бориб турардик. Бу чевар кампирдан дўппи тикиш сирларини ҳам ўрганардик. Дастлаб Рўзбойга раҳим келиб, унга ўзим ўқиган бадий китобларни совға қилардим. Бора-бора раҳим меҳрга, меҳрим эса севгига айланди. Онам бундан хабар топгач, тоғасининг ўғли билан қуда бўлмоқчилигини айтиб, оёқ тираб олди. Сикилаверга-

нимдан ошқозоним оғриб касалхонада ётиб даволандим. Шундан сўнг ахволимни кўриб, онам охири кўнди. Кейин тўйимиз бўлди. Дастлаб ниҳоятда бахтли яшадик. Лекин... фарзандли бўлолмадик. Йигирма бир йил бир-биримизга суянч, маслаҳатгўй бўлиб яшадик. Рўзбойнинг жигари хасталаниб, узоқ йиллар даволанди. Бироқ қисмат экан-да, охири дунёдан ўтди. Шунга ҳам мана саккиз йил бўлди. Ёшим 48 да. Маълумотим ўрта-маҳсус. Фарзандим йўқ. Ёшимга мос, иймолли, моддий таъминланган инсон учраса, турмуш қуриш ниятидаман.

**ХОЛБЕВИ,**  
Наманган вилояти".

«Одил билан ота-оналаримизнинг райига қараб турмуш қургандик. У ичкиликка муккасидан кетган экан. Тўйимиздан 15 кун ўтгач, қайнонам «Эрни

эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин бўлади. Энди ўғлимни ўзингиз йўлга солиб оласиз, қизим» деди. Лекин Одил ичкиликдан воз кечолмади. Дардимни ичимга ютдим. Бир куни отам эрим маст ҳолатда мени қатлаётганининг устидан чиқиб қолди. Жаҳл устиде «Отанг яхши инсон эди, сен зигирча ўхшамабсан», деб унинг ёқасидан олгандим, отамни ҳақорат қилиб, итариб юборди. У киши қўли синганига қарамай, мени ҳам ўзи билан олиб кетди. Ушанда ҳомиладор эдим. Беш ойдан

сўнг қизим туғилди. Ҳозир у 7 ёшда. Ота-онам «Болам, сени бахтли қиламан деб шу ахволга солиб қўйдик» деб қуюнарди. Холамнинг маслаҳати билан тахририятга умид билан кўнги-роқ қилдим ва кейин хат орқали хужжатларимни юбордим. Кўп ўтмай «Бахтли бўлинг» орқали менга самарқандлик, хотини вафот этган ўлтам деган кишининг манзилини беришди. Телефонда боғландик. Онам ҳам асли самарқандлик эди. Тақдирини қарангки, ўлтам узоқ қариндошимиз бўлиб чиқди, суриштиришга ҳам ҳожат қолмади. Ота-оналаримизнинг борди-келдиси яна тикланди. Мана бугунги кунда бахтли яшаяпмиз. Сизларга ташақкур!

**САНОБАР,**  
Жиззах вилояти".

### ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бево-сита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нусхаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумот-нома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашган-лар бўлса, суд қарорининг нусхасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

# ЎЗБЕКОНА АСАЛ ОЙИ

✓ **НУҚТАИ НАЗАР**

Ҳар йили ноябрь ойида беихтиёр чучур хаёлга чўми юраман. Сабаби, шу ойда менинг қизлик орзуларим рўёбга чиққан, янги ҳаётга илк қадам қўйганман — тўйим бўлиб ўтган.

Анча йиллар ўтган бўлса-да, ҳамон ўша пайтдаги ҳис-ҳаяжонимни эслайман. Янгиларимиз омон бўлишсин, шундай вақтда қизларни энг биринчи суянчиги, маслаҳатгўйига айланишади.

Нимагадир, юракнинг маҳзун уриши ёки мухаббатнинг илк бўсасини эмас, балки қайнонамнинг нигоҳи, катта ҳовли, кузнинг изгирин шамоли, университетдаги уйқуда ўтган маърузаларим ёдимга келади. Аслида, ҳовлимиз унчалик катта эмасди, лекин каталакдай "дом"дан ҳовлига тушган қиз учун, у хайҳотдек кўринади. Ҳеч эсимдан чиқмайди, қўлларим музлаб қолмасин деб, челака илиқ сув олиб ҳовли-кўчаларга сепардим. Бир куни эрталаб ҳовлига чиқсам, ҳаммаёқ оппоқ қор. Қишни унчалик хуш кўрмасам-да, мен учун ўша қордан қувончлироқ нарса йўқ эди. Ҳар куни уйдагилар ширин уйқудан туришларидан олдин, ҳовли-кўчаларни супуриш, айвонни тозалаш, нонуштага бирор тансиқ нарса тайёрлаб қўйиш — одатий ҳол. Кейин эса томоша бошларди. Ҳаммага келин салом қилиш (буни аниқ эслайман, овсинимнинг кизи ҳамма кўгирчоқларини териб, уларга салом қилишимни сўрарди...), чой узатиш. Ҳа, ўзбекона урф-одатларимиз жуда гўзал-да. Мени келинчалик ҳавасларим билан, совуққон фикр юритиш тарзим ўртасидаги бахс айнан

шу чой узатишдан бошланган. Қайн-бўйиларимнинг бир одатлари бор эди: чойлари тугаб қолса, пиёлани бир чертига чертиб, диққатимни жалб қилишарди. Келиннинг мустаҳкамлиги, қайнонанинг ишончини қозонишининг энг муҳим шарти эса — табассум қилиш. Доим жилмайиб юриш қарзу фарз. Қовоқ солиш, ёмон кайфиятда бўлиш, касал бўлиш қатъиян тақиқланади. Ўзимни, тўғриси, камситилгандек ҳис қилишни

ишларни бўлиб қўйгандилар, овқат қилиш — катта келинга, қолган ишлар эса менга эди. Хурсанд бўлдим, чунки овқат қилишни унчалик яхши билмасдим. Супур-сидир ишлар осонроқ-ку, деб ўйладим. Лекин ишнинг ҳажмини кўргангандан кейин, шахсий ҳаётга, ўқиш, ўз устида ишлашга вақт ажратиш жуда қийин бўлишини тушундим. Энг аламлиси, шахсий муҳитим бўлмаганидир. Оқшом тушишини интизор бўлиб кутардим. Хонамга кириб, китоб мутолаа қилгим келарди, йўқ, биз ҳаммамиз, тун тушгунича бир айвонда ўтиришимиз шарт бўлган. Уйга меҳмон келганда эса, келинлар учар бўлиб кетардик. "Ортиқча гап-сўзсиз, ишингизни билиб қилинг", бизга айтиладиган ўғитлар.

Ўғлим беш ёшида бир гап айтди менга. "Ойижон, сиз келинсиз-ку, сиз ҳамма нарсани бажаришингиз шарт!" Юрагимнинг бир парчаси узилиб кетгандек бўлди...

Булар ҳар бир қизнинг бошидан ўтайдиган нарсалар. Кимдир бундан-да оғир муҳитда яшаб, оиласини сақлаб қолиш мақсадида ҳеч нарса демайди, кимдир эса аксинча — курашади. Балки бундай синовлардан ўтиш қизларни катта ҳаётга тайёргарлигини мустаҳкамлар. Бироқ ғазабсиз, изтиробсиз, самимий қалбни сақлаб қолиш — муаммодир.

Кўп йиллар ўтди. Ҳамма нарса ўзгарди. Орзу-умидларга эришиш учун барчаси муҳайё. Лекин баъзан ҳамон уйқудан чўчиб уйғониб кетаман. Назаримда, туриб ҳовлини супуришим керакдек туюлаверади...

Нилуфар НУРМУХАММАД



бошладим ўшанда.

Ўйлаб қарасам, бир ой мобайнида суткада атиги икки-уч соат ухлардим. Будильникнинг шиддатли овози ҳали-ҳамон қулогимда жаранглайди. Аниқ фанларга унчалик мойиллигим бўлмас-да, ногаҳон бир кунда бажарадиган ишларимни ҳисоблайдиган бўлдим. Ичимда ўйлаб, ўзимга ўзим қойил қолардим ўшанда. Мен ҳар хил соҳада ишлашим мумкин экан: ошпаз, фаррош, официант, актриса. Тўғриси, бундан фахрландим.

Қайнонам адолат юзасидан уйдаги

СПОРТ ▼ СПОРТ ▼ СПОРТ

## ЭРМАТОВ ХОНАДОНИДА ЯНГИЛИК

Равшан Эрматов ота бўлиш бахтига муяссар бўлди. Машҳур ҳакам оиласида эгизак фарзанд дунёга келди.



2010 йил таникли ҳакам Равшан Эрматов учун жуда омадли бўлди. Жаҳон чемпионатида иштирок этди, учинчи марта Осиёнинг энг яхши ҳаками номинациясида голиб чиқди. Унинг бу меҳнатлари Юртбошимиз томонидан муносиб тақдирланди.

## «ИНТЕР» — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Миланнинг «Интер» клуби 2010 йилги Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати голибига айланди. Африка вакили, Конго Демократик Республикасининг "ТП Мазембе" клубига қарши учрашувда италияликлар йирик ҳисобда (3:0) ғалаба қозонишди.



Ўтган мавсум Каталониянинг "Барселона" клуби бир йил давомида олтинта мусобақа, шу жумладан, Клублар ўртасидаги Жаҳон чемпионатида голиб чиқиб, ўзига хос жаҳон рекордини ўрнатган эди. Европа Суперкубоги учун ўйинда Испаниянинг "Атлетико" клубига имкониятни бой берган "Интер" эса, қолган бешта мусобақада голиб чиқди ва бу борада Италия А Серияси вакиллари орасида энг яхши натижани қайд этди.

Шунга қарамасдан, «Интер»ни Клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати голиблигига бошлаб келган бош мураббий Рафаэль Бенитес истеъфога чиқиб кетди.

Интернет манбалари асосида Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

# ҲУҚУҚИНГИЗ КАФОЛАТЛАНГАН

✓ **САВОЛ-ЖАВОБ**

— Хорижга турмушга чиқдим. Чет эллик билан никоҳ қуришим Ўзбекистон фуқаролигининг ўзгаришига сабаб бўлмайdimи?

— Йўқ, хорижий давлат фуқаросига турмушга чиқиш аёл киши фуқаролигининг ўзгаришини талаб қилмайди. Конвенцияда ҳам чет элликка турмушга чиқиш аёл фуқаролигининг ўзгаришига олиб келмаслиги қайд этилган.

Давлат томонидан аёлларга эркаклар билан тенг асосда фуқароликни қабул қилиш, ўзгариштириш ва сақлаб қолиш имконини бериш бўйича чоралар ишлаб чиқилган. Фуқаролик ва хотин-қизлар ҳуқуқлари 1992 йил 2 июлда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисидаги қонуни билан таъминланади. Ушбу қонуннинг 1-моддасида шундай дейилади: «Ўзбекистон Республикасида ҳар бир киши фуқаро бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ҳеч ким фуқароликдан ёки фуқароликни ўзгариштириш ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин эмас. Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида ўз

фуқаролигининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилади».

— Шаҳар ва қишлоқ аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятлари фарқлими?

— Қонунийликка асосан қишлоқ аёллари билан шаҳар аёлларининг ҳуқуқ ва имкониятлари ўртасида фарқ йўқ. Улар турар жойидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва имкониятларга эга. Ўзбекистонда шаҳар ва қишлоқда яшовчи аёлларнинг аҳолини яхшилашга тенг

ёндашилади. Бунда қишлоқда истиқомат қилувчи аёллар дуч келадиган алоҳида муаммолар ҳам эътиборга олинади. Жумладан, қишлоқ аёлларининг ўз оилаларининг иқтисодий фаровонлигини таъминлашдаги роли ва ҳақ тўланмайдиган уй меҳнати билан шуғулланишлари ҳам инobatга олинади.

(«Хотин-қизлар ҳуқуқлари саволлар ва жавобларда» кўлланимисидан фойдаланилди.)

2011 йил учун «Оила ва жамият» газетасининг ЭЛЕКТРОН НУСХАСИГА ҳам обуна бўлинг!

«Оила ва жамият»га тезкор усулда обуна бўлишни истасангиз, «Mahagon anime studio» масъулияти чекланган жамиятининг 311-56-33, 281-54-77 телефонларига (e-mail: info@mahaon.uz, www.citybook.uz, www.soho.uz) мурожаат қилинг!

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Қабулхона: (тел/факс) 233-28-20

Мухбирлар: 233-04-50

Котибият: 237-21-82

«Оила» бўлими: 234-25-46

Web-site: oilavajamiyat.uz

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган. Буюртма Г — 1132. Формати А-3, ҳажми 2 табақ. Адади — 7765. Навбатчи муҳаррир — Фаррух ЖАББОРОВ. Саҳифаловчи — Оқил РАҲМОНОВ. Мусахҳихлар — Саидгани САЙДАЛИМОВ, Мафтун МИНГБОЕВА

ISSN 2010-7609

1 2 3 4 5

Тахририятга келган кўлэмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюқ Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 16:00.

E-mail: oilavajamiyat@sakor.uz